O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

# B U Y R U G ‘ I

2019 yil “04” 04 271-son Toshkent sh.

**Институт ходимлари фаолиятида масъулиятсизлик ва ҳуқуқий нигилизмни олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 37-банди, институт ходимлари фаолиятида масъулиятсизлик ва идоравий ҳуқуқий нигилизмни намоён бўлишига имкон яратадиган омилларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш орқали бартараф этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил апрелдаги 294-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев, ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи в.в.б. Н.Э.Юсупова, ижтимоий фанлар кафедраси мудири К.Қ.Исмоилов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи БТ етакчиси Ф.Намозовларга:

1.1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилсин.

1.2. Соҳа мутахассислари иштирокида ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этилсин.

1.3. Ҳар бир ходим билан унинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупция ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг келиб чиқишга мутлақо йўл қўйилмасликка қаратилган суҳбатлар ўтказилсин.

1.4. Ҳар бир ходимга Одоб-аҳлоқ қоидаларининг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилсин.

1.5. Ижро интизомига риоя этмайдиган, белгиланган тартиб-қоидаларни онгли равишда бузадиган носоғлом маънавий муҳит яратилишига сабаб бўлаётган ходимларга ваколат доирасида тегишли чоралар кўрилсин.

2. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил апрелдаги 294-сонли буйруғи.

**Ректор** **И.И.Алимджанов**

ASLIGA TO'G'RI

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI DEVONXONA